

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, Марғилон шаҳар Иқбол маҳалла фуқаролар йиғини биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Каримов, И.Исмоиловнинг котиблигида, Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи М.Обидов ва жабрланувчининг қонуний вакили А.Бойқўзиевларнинг иштирокида, Обидов Муҳаммаджонов Абдулло ўғлига нисбатан 1-1513-2202/147-сонли жиноят ишини кўрди. Иш ҳужжатларига кўра:

Обидов Муҳаммаджон Абдулло ўғли (OBIDOV MUXAMMADJON ABDULLO O'G'LI), 1999 йил

28 октябрь куни Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали бир нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2021 йил 14 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг

168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазо ўтамоқда, тадбиркор, Марғилон шаҳар, Косибчилик маҳалла фуқаролар йиғини, Кўкмазор кўчаси, 11-уйда яшайди, муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил

1 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланган.

Суд судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, дастлабки тергов ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва ҳолисона баҳолаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Обидов ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 16 октябрь куни вояга етмаган С.Рўзमतовнинг ишончига кириб, Фарғона шаҳар марказида жойлашган уяли телефон аппарати савдо дўкони олдида С.Рўзमतовдан “Iphone10X” русумли телефон аппаратини сотиб олишини айтиб, ушбу телефон аппаратини 250 АҚШ (2.677.657,5 сўм) долларида сотиб олишга келишиб, ундан “Iphone10X” русумли телефон аппаратини олиб, пулларини Марғилон шаҳри марказига борган вақти олиб беришини айтиб, у билан Марғилон шаҳри Марказидаги “Макро” савдо дўкони олдида биргаликда етиб келишган вақтида С.Рўзमतовдан паспорт нусхасини олиб келиб беришлигини, пулларини 2021 йил 18 октябрь куни паспорт нусхасини олиб келганидан сўнг беришига ишонтириб, алдаб телефон аппаратини олиб кетиб, ушбу телефон аппаратини тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсга сотиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.



Судланувчи М.Обидов судда, эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроор бўлиб, у ҳозирда Марғилон шаҳри Мустақиллик кўчасидаги телефон савдо дўконида уяли телефон аппарати савдоси билан шуғулланишини, 2021 йил 16 октябрь куни ўзига тегишли бўлган “Ми9” русумли телефон аппаратини сотиш мақсадида Фарғона шаҳрига Ш.Жалилов ва М.Мамасидиқов билан бирга боришгани, уяли телефон аппарати савдо дўконида ўзига тегишли уяли телефон аппаратини сотиб, у ерда С.Рўзиматовнинг ўзига тегишли бўлган “Iphone10X” русумли телефон аппаратини сотаётганини кўриб, у билан ушбу уяли телефон аппаратини 200 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, пулларини кейин беришини айтгани, кейин ушбу уяли телефон аппаратини нотаниш шахсга 1.700.000 сўмга сотиб юбориб, С.Рўзиматовга пулларини бера олмагани, ҳозирда етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани, айбига иқроорлиги, енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

Судланувчи М.Обидовнинг айби ўзининг иқроорлик кўрсатувидан ташқари қуйидаги далиллар, жумладан:

-жабрланувчининг қонуний вакили А.Бойқўзиевнинг суддаги, вояга етмаган С.Рўзиматов унинг жияни экани, уни уяли телефон аппаратини судланувчи М.Обидов сотиб олишини айтиб олиб, пулларини бермаганини, уни ўзидан эшитгани, ҳозирда судланувчи М.Обидов етказилган моддий зарарни қоплагани, унга енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

-қонуний вакил У.Бойкузиевнинг иштирокида сўроқ қилинган вояга етмаган С.Рўзиматовнинг суд мажлисидаги, у 2021 йил 16 октябрь куни ўзига тегишли бўлган “IphoneX” русумли уяли телефон аппаратини сотиш мақсадида, Фарғона шаҳар марказига боргани, у ерда уни уяли телефон аппаратига судланувчи М.Обидов харидор бўлгани, у билан 250 АҚШ долларига сотиб олишга келишгани, у пулларни Марғилон шаҳридан олиб беришини айтгани ва у билан бирга “Нексия-2” русумли 40 F7110A давлат рақам белгили автомашинада Марғилон шаҳар марказидаги “Макро” савдо мажмуасига келишгани, лекин у пулларни 2021 йил 18 октябрь куни беришини айтиб, унга +99890 232-31-54 телефон рақамини бергани, айтилган муддатда у судланувчи М.Обидов берган рақамга қўнғироқ қилганида, рақам ўчиқ эканини, кейин уни қидириб топа олмагани, шундан сўнг ушбу ҳолат юзасидан ариза ёзиб бергани, ҳозирда судланувчи М.Обидов пулларини тўлиқ бергани, унга енгиллик берилишини сўраб берган кўрсатуви;

-шунингдек, судланувчи М.Обидовнинг айбига тўлиқ иқроорлигини билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жиноят ишидаги шахсни фотосуратдан таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва фото илова (и.в.29-33), тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ Ш.Жалиловнинг дастлабки терговдаги 2021 йил 16 октябрь куни у танишлари М.Обидов ва М.Мамасидиқовларни ўзининг бошқарувидаги автомашинада Фарғона шаҳрига олиб бориб келгани, ўша куни судланувчи М.Обидов уяли телефон аппарати сотиб олганини, ўша уяли телефон аппаратини эгаси ҳам улар билан бирга Марғилон шаҳрига келгани, уларни айтилган манзилга олиб бориб қўйганидан сўнг, улар хизмат ҳақини беришиб, уни автомашинасидан тушиб қолгани ҳақидаги кўрсатуви (и.в.50-53), тарафларнинг розилиги билан кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Мамасидиқовнинг дастлабки терговдаги 2021 йил



16 октябрь куни у судланувчи М.Обидов билан учрашиб колгани, ўшанда у уяли телефон апаратини сотиб келиш учун кетаётгани, кейин у таниши Ш.Жалиловни чақиргани, у ўзини автомашинасида уларни Фарғона шахрига олиб боргани, у ерда М.Обидов С.Рўзमतовнинг уяли телефон апаратини сотиб олишга келишгани, кейин у билан Марғилон шахрига келишгани, у ерда М.Обидов ўша уяли телефон апаратини эгаси билан ўзаро келишгани, кейин у уйига кетгани, М.Обидов ва С.Рўзमतовларни ўзаро келишувларидан кейин хабар топгани, уни бу ишларга алоқаси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви (и.в.54-57), юзлаштириш баённомаси (и.в.38-40) ҳамда иш бўйича йиғилган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Обидовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги; 34-моддасида, “Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, [Махсус қисмининг](#) бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши белгиланган.

Бирок, тергов органи иш бўйича қайд этилган Қонун талабларига риоя қилмаган.

Иш ҳужжатларига кўра, тергов органи М.Обидовни вояга етмаган С.Рўзमतовнинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, такроран содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиш учун у мазкур жиноятни содир этганидан сўнг жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2021 йил 14 декабрдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан судланган. Шахсни такроран жиноят содир этган деб топиш учун унинг икки ёки бир неча жиноятни турли вақтларда содир этиши, лекин уларни бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслиги керак. Мазкур ҳолатда судланувчи М.Обидов жиноят содир этганидан сўнг, у содир этган бошқа жиноятлари учун суднинг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Юқоридаги ҳолатда судланувчи М.Обидовнинг ҳаракатларини такроран жиноят содир этиш деб топиб бўлмайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилиши, тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилиши, агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарори 2-бандида, жиноятларнинг такроран содир



этган деб топишнинг зарурий белгиси шахснинг бу жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридаги Қонун ва Пленум қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи М.Обидовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандидан 168-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб топди.

Чунки, судланувчи М.Обидов алдаш ва ишончи суиистеъмол қилиш йўли билан С.Рўзиматовни нархи 250 АҚШ доллари бўлган мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, 54-моддасида эса Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинланиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи М.Обидовга нисбатан жазо тайинлашда, юқорида қайд этилган Қонун талаби ва Пленумнинг раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва шахсини эътиборга олиб, унинг ёшлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этиб, унга у айбланаётган модда санкциясида белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазоси жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2021 йил 14 декабрдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосига қисман кўшиб, узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топди.

Суд, иш бўйича жабрланувчининг қонуний вакили А.Бойкузиевнинг моддий зарар қоплангани ҳақидаги аризасини инобатга олишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларини қўллаб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Обидов Мухаммаджон Абдулло ўғли (OBIDOV MUXAMMADJON ABDULLO O'G'LI), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг



168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Обидовга, у айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида мазкур ҳукм билан тайинланган жазони жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2021 йил 14 декабрдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 1 (бир) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан М.Обидовни 2022 йил 16 февраль кунидан 2022 йил 17 февраль кунига қадар (1 кун) дастлабки қамоқда сақланган бир кунини, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб (3 кун) ҳисоблаб, чегириб, узил-кесил ўташ учун М.Обидовга иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо, жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгилаб берилган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо ўташ муддати судланувчи жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг ижросини таъминлаш Марғилон шаҳар ИИБ пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

М.Обидовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича жабрланувчининг қонуний вакили А.Бойқўзиевнинг моддий зарар тўлиқ қоплангани ҳақидаги аризаси инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 20 сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Ш.Каримов



Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович



Хужжат имзоланган: Каримов Шукуржон Каримович, 03.05.2022

